

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ КАССАЦИЯ

А Ж Р И М И

2021 йил март ойи 25 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида, ўз биносида,

Раислик этувчи – судья: Б.Тангабаев,

ҳайъат аъзолари, судьялар: Н.Рахманов ва Б.Исламовлардан иборат таркибда, И.Бабаярованинг котибалигида, жавобгар вакили ХХХнинг иштирокида, даъвогар ХХХнинг жавобгар ХХХга нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган иморатни буздириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан юритилган фуқаролик иши бўйича қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2020 йил 9 мартдаги ҳал қилув қарорига нисбатан ХХХ томонидан берилган кассация шикояти фуқаролик иши асосида кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Даъвогар ХХХ судга 2020 йил 2 мартда даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар ХХХ томонидан тумандаги 607-сонли боғ контури ер майдонида ноқонуний равишда эгаллаб олиб, ўзбошимчалик билан қуриб олиб, уй-жой сифатида фойдаланиб келаётган қурилмани ўзининг ҳисобидан буздиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2020 йил 9 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан, даъвогар ХХХнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, тумандаги 607-контурдаги боғ майдони ҳудудида жойлашган 0,34 га ер майдонига ўзбошимчалик билан қурилган 2 та қурилиши тугалланмаган яшаш хонаси, молхона, ҳожатхона ва бино-иншоотлар жавобгар ХХХнинг ҳисобидан буздирилган.

Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 28 январдаги ажрими билан суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларидан норози бўлиб, ХХХ томонидан кассация шикояти келтирилиб, унда Фарғона туманлараро судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судьяни маърузасини, кассация шикояти юзасидан жавобгар вакилининг тушунтиришини тинглаб, унда келтирилган важларни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра, уни рад қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 15-моддасининг 1-қисмига асосан суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг

хақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга мувофиқ чоралар кўришга ҳақли.

“Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” ДК ХХХ томонидан туманда кишлок хўжалигига оид ер майдонлари мониторингдан ўтказилганда жавобгар ХХХ 607-контурдаги боғ майдони худудида бино-иншоот қурилганлиги аниқланган.

Филиалнинг 2019 йил 9 апрелдаги хулосасида жавобгар ХХХ томонидан қурилган бино-иншоот экин ер майдонида ўзбошимчалик билан қурилганлиги, ушбу уйга эгалик ҳуқуқини белгилаш мақсадга мувофиқ эмаслиги қайд қилинган.

“Оқ том” МФЙ раиси ва кадастр мутахассислари томонидан 2020 йил 18 февралда тузилган далолатномада, ХХХ томонидан экин ер майдонида ўзбошимчалик билан бино-иншоотлар қурилганлиги қайд қилинган.

Жавобгар ХХХ иш ҳужжатларида тўпланган мақбул исботлаш воситаларига кўра, ўзбошимчалик билан кишлок хўжалигида фойдаланиш учун мўлжалланган ер участкасида ваколатли органларнинг рухсатисиз ва ўзбошимчалик билан иккита қурилиши тугалланмаган яшаш хонаси, молхона, ҳожатхона ва бино-иншоотларни қурганлиги исботланган.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонига ноқонуний равишда қурилган иморатни бузиб, ер майдонини асл ҳолига келтириб қўйиш тўғрисида берилган огоҳлантириш хатларини эътиборсиз қолдириб келган.

Амалдаги Ер кодекси 91-моддасига асосан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Шикоятда келтирилган низоли ер участкасида 1997 йилдан бери фойдаланиб, барча солиқларни тўлаётганлиги, ер участкаси маҳалла раиси ва кадастр филиали ходими томонидан ўлчаб берилганлиги, фермер хўжалиги ишга жалб қилинмаганлиги ҳамда инсофли эгалловчи эканлиги ҳақидаги важлари асоссиз ҳисобланиб, бино-иншоотларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори асосида мулк ҳуқуқини белгилаш рад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 419-моддасининг 1-бандига кўра, кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестни) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантirmасдан қолдиришга ҳақли.

